

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АТАЖАНОВ АЗИЗБЕК АБДИМАЛИКОВИЧ

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СУДЬЯЛАР
МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Атажанов Азизбек Абдималикович

Одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллиги
кафолатларининг назарий ва амалий масалалари..... 3

Atajanov Azizbek Abdimalikovich

Guarantees of the independence of judges in the implementation of justice
theoretical and practical issues..... 37

Атажанов Азизбек Абдималикович

Теоретические и практические вопросы гарантий независимости судей
при осуществлении правосудия..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 72

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

АТАЖАНОВ АЗИЗБЕК АБДИМАЛИКОВИЧ

**ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СУДЬЯЛАР
МУСТАҚИЛЛИГИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Yu339 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Арипов Дилшод Уринбаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович
юридик фанлар доктори, профессор

Суюнова Дильбар Жолдасбаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Шодиев Гулом Махамматович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 12 август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 30 июль куни тарқатилди.
(2026 йил 30 июль 07-рақамли реестр баённомаси).



М.А.Аминжонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Кучкаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

А.С.Одинаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари учун долзарб масалалардан бири сифатида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш эътироф этилади. Судьялар мустақиллигининг етарли даражада кафолатланмагани турли давлатларда одил судловнинг тўлиқ амалга ошишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат судьяларни тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод этиш жараёнларида сиёсий таъсирнинг мавжудлиги, судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси етарли эмаслиги, уларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаганлиги каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, судьялар фаолиятига турли шаклларда таъсир ўтказиш ҳолатлари ҳатто ҳуқуқий демократик анъаналарга эга давлатларда ҳам учраб турибди. World Justice Project (WJP) маълумотларига кўра, 2023 йилда дунё мамлакатларининг 59 фоизида, 2024 йилда 57 фоизида, 2025 йилда 68 фоизида қонун устуворлиги индекси пасайиш тенденцияси кузатилган¹, бунинг асосий сабабларидан бири сифатида эса судьялар мустақиллигининг етарли даражада таъминланмагани кўрсатилмоқда.

Жаҳонда одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминлаш, унинг институционал, процессуал ва шахсий кафолатларини мустаҳкамлаш, судьялар фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи сиёсий, маъмурий ва иқтисодий омилларни бартараф этиш, шунингдек, суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлаш масалалари ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятни барпо этишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, судьялар мақомини мустаҳкамлаш, уларни танлаш ва тайинлаш тартибларини такомиллаштириш, судьяларнинг дахлсизлиги ҳамда жавобгарлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни комплекс тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда суд тизимининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш орқали жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судьялар мустақиллигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон судлов механизмларини жорий этиш, судлар фаолиятини молиявий жиҳатдан барқарор таъминлашга қаратилган кафолатларни кучайтириш, шунингдек, суд иш юритиш амалиётида сунъий интеллект технологияларидан (СИ) фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири судьялар мустақиллигини таъминлаш бўлиб, у ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти сифатида эътироф этилмоқда. Судьянинг қонундан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги ва қарор қабул қилишда тўла мустақил бўлиши фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамловчи муҳим кафолат ҳисобланади. Бироқ, амалга оширилаётган

¹ The rule of law has declined globally for the 8th year in a row.
<https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights>

кенг кўламли ислохотларга қарамасдан, судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар ҳали тўлақонли шаклланмагани кузатилмоқда. Судьялар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, уларнинг 71 фоизи судья дахлсизлигини ҳимоя қилиш механизмлари етарли эмаслигини, 33 фоизи эса фаолияти давомида дахлсизлиги бузилганини қайд этган². Бу ҳолат судлар фаолиятига жамият ишончини мустаҳкамлаш ҳамда одил судловнинг ҳолис ва беғараз амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатиб, халқаро рейтингларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳуқуқ устуворлиги индекси бўйича мамлакатимиз кўрсаткичи сўнгги йилларда пасайиши ва 2024 йилда 78-ўриндан 83-ўринга пастлаганлиги³, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 5-раунд мониторинги натижаларида судьялар учун одил судловнинг процессуал кафолатлари етарли эмаслиги қайд этилганлиги⁴ соҳада жиддий ислохотлар зарурлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси (2025) фармонида “Судьялар мақоми тўғрисида”ги, “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги ҳамда Олий Мажлис Сенатида Конституциявий суд ва Олий суд судьялигига, Судьялар олий кенгаши аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш вазифаларининг белгиланганлиги⁵ ҳам, судьялар мустақиллигига оид ҳуқуқий механизмларни янада кучайтиришга қаратилган илмий асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (2021), “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025), “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2025), “Судьялар ҳамжамияти органлари

² Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича 2025 йилда ўтказилган аноним сўров натижалари

³ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2024/Uzbekistan/>

⁴ Базовый отчет пятого раунда мониторинга антикоррупционных реформ в Узбекистане © OECD 2024

⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.01.2025 yildagi PF-16-son

фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025) фармонлари, “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) қарори ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁶ Судьялар мустақиллигини таъминлаш принциплари, судьяларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда касбий жавобгарлигининг халқаро стандартлари, суд ҳокимияти фаолиятида молиявий ва институционал кафолатларни жорий этиш ҳамда судьялар фаолиятини бошқа ҳокимият бўғинларидан ажратиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида, жумладан United Nations Office of the High Commissioner for Human Rights (Женева), International Association of Judges (Австрия–Италия), Consultative Council of European Judges (Франция), Venice Commission of the Council of Europe (Франция), International Commission of Jurists (Швейцария), European Network of Councils for the Judiciary (Белгия), Max Planck Institute for Comparative Public Law and International Law (Германия), Harvard Law School – Rule of Law Program (АҚШ), Pontificia Universidad Católica de Chile (Чили) ҳамда Chuo University Graduate School of Law (Япония), Л.Н.Гумилёв номидаги Евразия миллий университети (Қозоғистон) каби нуфузли илмий муассасаларда олиб борилмоқда.

Халқаро ташкилотлар, дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида қуйидаги илмий тадқиқот натижаларига эришилган, Буюк Британия конституцион ислохотлари тажрибаси асосида судьяларни тайинлашда сиёсий таъсирни чеклайдиган мустақил танлов комиссияларини (Judicial Appointments Commission) жорий этиш, тайинлаш жараёнини ошқора қилиш ва суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимиятидан аниқ ажратиш таклиф этилган (UCL Constitution Unit, University College London). Этика кодексини фақат қонун орқали эмас, балки судьялар учун тизимли тайёргарлик ва касбий тренинглар орқали “онгга сингдириш” (internalization of ethics) моделини кучайтириш, шу йўл билан ички мустақиллик ва холисликни ошириш таклиф этилган (Chuo University Graduate School of Law, UNAFEI, Япония). Л.Н. Гумилёв номидаги Евразия миллий университети (Қозоғистон) судьяларни тайинлаш ва лавозимида кўтариш жараёнини меритократик,

⁶ <https://surl.li/rpncgw>, <https://surl.li/ifrfar>, <https://surl.li/fgnatc>

партия таъсиридан холи тизимга айлантириш ва судьяларнинг моддий кафолатларини Европа стандартларига мослаштириш бўйича таклифларни илгари сурган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш масалалари бўйича қатор ҳуқуқшунос олимлар турли даражада илмий изланишлар олиб боришган. Жумладан, Ф.Ф.Мухитдинова, Д.У.Арипов суд ҳокимияти мустақиллигининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этган бўлсалар, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, Б.Х.Пўлатов, Т.Б.Сафаров, М.Мадаминов судьялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ҳамда уларни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, жавобгарликка тортиш масалаларини, Б.У.Жамолов, М.М.Мамасиддиқов, Б.А.Муминов судьяларнинг ҳуқуқий мақоми, улар фаолиятининг шаффофлиги ва моддий-ижтимоий кафолатларини, Б.И.Исмаилов, О.Р.Сулаймонов, Э.К.Сабилов ва Д.Х.Абдуқодиров судьялар мустақиллигига оид халқаро стандартлар, коррупцияга қарши курашиш, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг қиёсий-ҳуқуқий ва институционал жиҳатларини таҳлил қилганлар.

МДХга аъзо давлатлар, айниқса, Россия Федерацияси олимлари томонидан суд ҳокимияти мустақиллигининг мазмун ва моҳияти атрофича илмий тадқиқ этилганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан, Т.Г.Моршакова, Л.В.Туманова, И.Я.Фойницкий, В.А.Ржевский, Н.М.Чепурнова, Е.В.Бурдин, Л.Е.Виноградова, Д.А.Бурдин, Д.А.Липинский, К.К.Атабеков, Б.Д.Какешов, А.М.Абилкаиров, И.В.Михайлов, В.И.Руднев, Т.Н.Феденева, М.И.Клеандров, В.Е.Левченко, И.Р.Латыпова, В.П.Очеретько, Н.Д.Ковбенко, А.А.Гусейнов, А.А.Черевко, Р.С.Абдулин, С.Р.Абдуллина, А.А.Кайгородов, П.И.Киселев, Ю.С.Коренева, Е.В.Казакова, А.Ф.Изварина, Б.В.Сангаджиев, Е.Г.Стребкова, М.В.Чижов, М.А.Умарова, Т.В.Паршина ва бошқа олимлар судлар ва судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий табиатига бағишланган бир қатор тадқиқотлар олиб борганлиги мавзу доирасидаги муаммоларга илмий қизиқиш жуда юқориликдан далолат беради.

Хорижлик олимлардан Rafał Mańko, John Ferejohn, Anja Seibert-Fohr, Lynn Lopucki, O.Boryslavska, Stephen B.Burbank, Barry Friedman ва бошқалар мавзу предмети доирасида илмий изланишлар олиб борганлар⁷.

Бироқ, мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминловчи кафолатларнинг назарий ва амалий масалалари, айниқса уларни ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга оид жиҳатлари ҳозирги замон ривожланиш тенденциялари ва талаблари асосида монографик тарзда илмий тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни

⁷ Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2023-2026 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминловчи кафолатларнинг назарий ва амалий масалаларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

одил судловни таъминлашда судьялар мустақиллигининг ўрни ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб бериш, унинг ҳуқуқий табиати ва принципларини тадқиқ этиш;

судьялар мустақиллигини таъминловчи кафолатларнинг турлари (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий)ни таҳлил қилиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда таъсирини очиб бериш;

юртимизда судьялар мустақиллигини таъминлашнинг тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичларини кўрсатиш, мавжуд қонунчилик ва амалиётни баҳолаш;

судьялар мустақиллиги кафолатларига оид халқаро стандартлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, халқаро рейтинг ва индексларнинг судлар мустақиллигини таъминлашдаги ролини таҳлил қилиш;

судьялар мустақиллигига таъсир кўрсатувчи коррупция, ижро ҳокимияти таъсири, моддий-ижтимоий омиллар каби таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари асослаш;

судьялар этикаси, малакасини ошириш тизими ва хавфсизлигини таъминлашнинг судьялар мустақиллиги кафолати сифатидаги ўрни ва самарадорлигини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш;

судьялар ҳамжамияти органларининг судьялар мустақиллигини таъминлашдаги институционал ўрни ва аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш, шунингдек уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш;

суд фаолиятида рақамли технологиялар, жумладан сунъий интеллектдан фойдаланишнинг судьялар мустақиллигини таъминлашдаги аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан ёритиш ҳамда уларнинг одил судловнинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишдаги ролини таҳлил қилиш;

суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминловчи кафолатларни такомиллаштириш мақсадида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини халқаро тажриба билан қиёсий таҳлил қилиш ҳамда шу асосда илмий-назарий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети судьялар мустақиллиги кафолатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик, унинг қўлланиш амалиёти ҳамда

халқаро ва хорижий тажриба, шунингдек, мазкур масалага оид илмий-назарий ёндашувлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий таҳлил, тизимли таҳлил, мантикий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, қонунчиликни шарҳлаш, индукция ва дедукция, статистик таҳлил, социологик сўров, формализация ва эксперт фикрини ўрганиш каби илмий усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилиши мумкинлиги ҳамда суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши лозимлиги асослантирилган;

суд ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тўлиқ электрон шаклда юритиш, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланиши ҳамда суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилиши зарурлиги асослантирилган;

судьяларнинг маҳаллий ҳокимият ва сиёсий таъсирлардан ҳоли бўлишини таъминлаш ҳамда фақат Конституция ва қонунларга бўйсунishi ва ҳокимиятлар бўлиниш принципини таъминлаш бўйича таклифлари асослантирилган;

туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очик танлов асосида танлаш тартибини ўрнатиш лозимлиги асослантирилган;

судьяларга нисбатан интизомий ишларни кўриб чиқишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид таклифлари асослантирилган;

судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг аниқ мезонларини белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Судьялар мақоми” тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда судья мақомини ягона қонун доирасида тартибга солиш, судьялар ҳамжамиятига мансубликка оид ҳуқуқий кафолатларни белгилаш, судья мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, шунингдек истеъфодаги судья мақомини жорий этиш ва унинг ҳуқуқий ҳамда моддий-ижтимоий кафолатларини аниқлаш орқали судьяларнинг мустақил ва холис қарор қабул қилишини рағбатлантириш асослантирилди;

“Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, судьялар ҳамжамияти органлари, судьялар ҳамжамияти органларининг фаолият йўналишлари, судьяларнинг конференциялари, судьяларнинг малака ҳайъатлари, Судьялар олий кенгаши ва бошқа органларнинг мақоми ва ваколатлари бўйича таклифлари асослантирилди;

“Судья”, “Судьянинг мустақиллиги”, “Судьялик мақоми”, “Судьянинг дахлсизлиги”, “Судьянинг юридик жавобгарлиги”, “Судьянинг интизомий жавобгарлиги”, “Судьянинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги” тушунчаларига муаллифлик таърифлари берилган;

Судьяларнинг олий малака ҳайъати, жойлардаги судьялар малака ҳайъатларининг раислари лавозимига ўтказиладиган сайловда ушбу судлар раисларининг номзоди, яъни Олий малака ҳайъати раислигига Олий суд раиси, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларнинг малака ҳайъатлари раислигига шу вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари номзодларини кўрсатилишини чеклаш зарурати асослантирилган;

судьяларнинг алмаштирилмаслигини таъминлаш, уларни судьялар ҳамжамияти органлари томонидан интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилаш, судьялар фаолиятини сифат кўрсаткичлари, касбий маҳорати ва шахсий фазилатлари асосида баҳолаш ҳамда судьяларни лавозимга тайинлашда Президент ваколатларини чеклашни назарда тутувчи нормаларни “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш зарурати илмий жиҳатдан асослаб берилган;

суд тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга “Апелляция комиссиясида шикоятларни кўриб чиқиш тартиби” номли 3¹-бобни киритиш ҳақидаги таклифлар асослантирилган;

Судьялар олий кенгаши раиси Кенгаш аъзолари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, суд ҳокимияти органларининг ҳақиқий мустақиллиги ва ички автономиясини таъминлашга хизмат қилиши, амалдаги тартибда Кенгаш таркиби Президент тақдимида биноан Сенат томонидан сайланиши суд тизимида ижро этувчи ҳокимият таъсири сақланиб қолиш эҳтимолини юзага келтириши асослантирилди;

судьянинг дахлсизлиги институти доирасида унинг турар жойига ёки хизмат хонасига кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, хат-хабарларини ёки шахсий ҳужжатларини олиш каби процессуал ҳаракатлар фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкинлиги илмий жиҳатдан асослантирилди;

вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, шунингдек, вилоят ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига раҳбар судьялик лавозимларига тайинлаш ваколатини Президентдан Судьялар олий кенгашига ўтказиш зарурлиги асослантирилди;

суд раиси ва суд раиси ўринбосари лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талабларни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурияти ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ушбу тадқиқотда олинган натижалар халқаро ҳуқуқ нормалари, хорижий тажриба ҳамда назарий-методологик доктриналарга таянилган ҳолда ишлаб чиқилган. 1 220 нафар судьялар ҳамда 1 100 нафар фуқаролар ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашидан олинган статистик кўрсаткичлар ва

материаллари тўпланиб, умумлаштирилган ва таҳлил этилган. Шунингдек, соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан тизимли ўрганилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмий тартибда тасдиқланган. Илмий ишдаги хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий илмий нашрларда эълон қилинган. Олинган ишончли натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар судьялар мустақиллиги кафолатларини таъминлашга оид илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида, қонунни қўллаш амалиётида, судлар фаолияти ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар дарсликлар, ўқув қўлланмалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, судья мустақиллиги ва одил судлов соҳасидаги таълим жараёнини бойитишда, шу йўналишдаги илмий тадқиқотлар олиб боришда амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, судья мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда юридик олий таълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга қўра йўл қўйилиши мумкинлиги ҳамда суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 9 июндаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судлар фаолиятининг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-1067-сон Қонунининг 3-моддаси, 1 ва 4-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2025 йил 7 ноябрь 04/5-08/4432-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1 ва 9-моддаларида ўз ифодасини топган бўлиб, одил судловга бўлган ҳуқуқни конституциявий даражада мустаҳкамлашга ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини халқаро стандартларга мос равишда кафолатлашга хизмат қилган;

суд ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тўлиқ электрон шаклда юритиш, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланиши ҳамда суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сон Фармони II бўлим 3-бандининг “а, в, г, з” кичик бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил 13 сентябрдаги 08/421-25-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчиллигини таъминлайди ва фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга хизмат қилган;

судьяларнинг маҳаллий ҳокимият ва сиёсий таъсирлардан холи бўлишини таъминлаш ҳамда фақат Конституция ва қонунларга бўйсунishi ва ҳокимиятлар бўлиниш принципини таъминлаш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга, судлар фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга ҳамда ягона суд амалиётини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-943-сонли қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 12 мартдаги 84-21-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга, маҳаллий ҳокимият органларининг судлар фаолиятига таъсирини истисно этишга хизмат қилади ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича халқаро стандартларга мос равишда кафолатлашга хизмат қилган;

туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра судьялар орасида очик танлов асосида танлаш тартибини ўрнатишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сон Фармонининг 2-бандидаги “б” кичик бандни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 29 декабрдаги 685-25-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф туманлараро, туман ва шаҳар судлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари лавозимларига тайинлашда номзодларни судьялар орасида аниқ профессионал мезонлар асосида очик танлов орқали саралашни назарда тутиб, раҳбар судья лавозимларини шакллантиришда холисликни таъминлашга хизмат қилган;

судьяларга нисбатан интизомий ишларни кўриб чиқишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сон Фармонининг 14-бандидаги “а” кичик бандни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 29 декабрдаги 685-25-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф судьяларга нисбатан интизомий ишларни кўриб чиқиш жараёнида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, процессуал кафолатларни кучайтириш орқали судьялар мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

судьяни интизомий жавобгарлик асосларини аниқ мезонлар асосида белгилашга оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-227-сон Фармонининг 14-бандидаги “г” кичик бандни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 29 декабрдаги 685-25-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф интизомий жавобгарлик асосларини аниқ ва олдиндан белгилаб қўйилган мезонлар асосида шакллантиришга қаратилган бўлиб, ихтиёрийлик ва субъектив ёндашувларни чеклайди, қарор қабул қилишда ҳолисликни таъминлайди ҳамда судьялар мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та (2 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 20 та илмий мақола, шундан 18 та миллий ва 2 та хорижий журналларда, конференцияларда 4 та, шундан 2 та халқаро, 2 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 276 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича миллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти

ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Судьялар мустақиллигининг назарий-ҳуқуқий таҳлили ва ғнесологик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида судьялар мустақиллигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг ижтимоий зарурияти, судья мақоми ва унинг ҳуқуқий кафолатлари, мустақил суд тизимининг мамлакатимизда шаклланиш босқичлари ҳамда судьялар мустақиллигини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида таъминлаш масалалари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллиф судьялар мустақиллиги тушунчасини ҳуқуқий ва назарий жиҳатдан ёритиб, уни фақат процессуал тартиб ёки суд мажлисидаги қарор қабул қилишдаги эркинлик сифатида эмас, балки демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий конституциявий принципи сифатида талқин этади. Шунингдек муаллиф томонидан судьялар мустақиллигига оид мавжуд илмий қарашлар тизимли таҳлил қилинди ва улар мазмун жиҳатидан шартли равишда ўрта асосий илмий мактабга — классик (институтсионал), процессуал-функционал ва субъектив-этик ёндашувларга ажратиб кўрсатилди.

Диссертант судьялар мустақиллигининг ўзига хос белгилари юзасидан бир қатор олимлар (Ш.Монтескье, Н.С.Калинина, С.Познышев, Л.К.Савюк, К.Ф.Гуценко, Ф.Ф.Мухитдинова, Д.У.Арипов, М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев, В.А.Четвернин, В.А.Ржевский, Н.М.Чепурнова, А.В.Смирнов ва бошқалар)нинг фикрларини ўрганади ва судья мустақиллигининг бошқа ҳокимият органлари фаолиятдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос белгилари мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Шунингдек, судьялар мустақиллиги алоҳида фаолият турларига ажратилмаслиги, балки судьянинг одил судловни амалга оширишга доир барча процессуал ваколатларини ҳуқуқий ва институционал кафолатлар асосида, ташқи ҳамда ички босимлардан холи ҳолда ва ички ишончига мувофиқ амалга оширишида намоён бўлиши асослантирилди.

Муаллиф судья мустақиллигини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларни моддий ва процессуал турларга ажратади. Моддий кафолатлар сифатида судьяларнинг фақат қонун ва Конституцияга бўйсунishi, уларнинг ваколат муддатида ўз лавозимидан озод этилмаслиги, судьялар фаолиятига аралашув тақиқланиши, моддий ва ижтимоий таъминланиши, молиявий кафолатлар ва судья мақомига дахлсизлик киритилади. Процессуал кафолатлар сифатида эса судьялар иш юритишда қонун доирасида мустақил қарор қабул қилиши, уларнинг қарорлари фақат юқори суд инстанцияси томонидан белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиши, ишларни бошқа судьяга ўтказиш қонун билан қатъий тартибга солинганлиги, суд ишларига аралашуш учун жавобгарлик белгиланганлиги қайд этилади. Муаллифнинг фикрича, фақат қонун билан мустаҳкамланган кафолатларгина судья мустақиллигининг чинакам амал қилишини таъминлай олади.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистонда судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич таҳлил қилинади.

Биринчи босқич (1991–2001 йй.) – судья мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратиш, Конституция ва “Судлар тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги Фармойишига билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-П-сонли қарори билан тасдиқланган Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида Низом қабул қилинди; **иккинчи босқич** (2001–2016 йй.) – суд тизимини ихтисослаштириш ва қонунчиликни такомиллаштириш даври бўлиб, бу даврда 2001 йилдаги янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонун билан судларнинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашуви жорий этилди ҳамда Хўжалик судлари тизими алоҳида ажратилди, 2002 йилдан суд қарорлари ижросини таъминловчи алоҳида Департамент ташкил этилди, 2004 йилда судьялар мустақиллигига зид бўлган назорат функциялари бекор қилиниб, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тузилди, 2008 йилдан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан “Хабеас корпус” институти жорий этилиб, суднинг ижро этувчи ҳокимият устидан назорати ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги роли сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Учинчи босқич (2017–2021 йиллар) – суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва институционал янгиланиш даври бўлиб, 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли Фармон билан судьялик лавозимининг босқичма-босқич (5 йил, 10 йил ва муддатсиз) муддати жорий этилиб, “Хабеас корпус” институти доирасида эксгумация ва почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш каби ваколатлар судларга ўтказилди, 2017 йилда давлат органлари билан низоларни кўрувчи Маъмурий судлар тизими ташкил этилди, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги 427-сонли Қонуни ва ПФ-4966-сонли Фармони билан мустақил орган – Судьялар олий кенгаши тузилди, 2021 йил 28 июлда янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, тизимда коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш чоралари кучайтирилди, “Е-SUD” тизимининг жорий этилиши билан суд ишлари рақамлаштирилиб, судьялар мустақиллиги ҳуқуқий, технологик ва малакавий жиҳатдан янги даражага кўтарилди.

Тўртинчи босқич (2021 йилдан ҳозирги вақтгача) – одил судлов самарадорлигини ошириш ва судлар мустақиллигини тўлиқ таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги даври бошланди. 2021 йил 1 январдан вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, судьялар ихтисослашувини сақлаган ҳолда ягона вилоят судлари ташкил этилди, 2023–2026 йилларга мўлжалланган Стратегия доирасида суд тизимини рақамлаштириш (сунъий интеллектни жорий этиш) ва судьяларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш чоралари кўрилди, 2024 йил 10 июндаги ПФ–89-сон Фармон билан тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида тизимга тергов судьяси лавозими жорий этилди, 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ-227-сонли Фармон билан судьялик мақомининг энг муҳим элементи бўлган —

лавозимда бўлиш муддатининг дахлсизлиги принципи конституциявий ва халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштирилди. Шунингдек, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш ва судьяларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган чоралар амалга оширилгани таъкидланади.

Мазкур боб якунида муаллиф судья мустақиллигини таъминлашда институционал кафолатлар (суд органлари ва судьялар ҳамжамиятининг мустақиллиги) ҳамда шахсий кафолатлар (судьянинг ички ва ташқи таъсирдан холи бўлиши) уйғун ҳолда амалга оширилсагина чинакам мустақил судьялар корпусини шакллантириш мумкин деган хулосага келади. Судья мустақиллиги қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий кафолати сифатида баҳоланиб, унинг таъминланиши мамлакатда адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг судларга ишончини мустаҳкамлаш ва демократик жараёнларни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” деб номланиб, унда судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг мақоми, моддий ва ижтимоий таъминоти, хавфсизлиги ва дахлсизлиги, судьяларнинг юридик жавобгарлиги ҳамда судлар фаолиятини рақамлаштириш масалалари комплекс таҳлил қилинади.

Муаллиф тадқиқот жараёнида бир қатор ҳуқуқшунос олимлар – Ю.Н.Сафонов, Р.С.Хисматуллин, Ф.А.Воскресенский, А.В.Тимченко, М.И.Клеандров, Б.И.Исмоилов, шунингдек Мюррей Глисон ва Сандра Дай Окнернинг асарларини қиёсий таҳлил қилади ва ўзининг хулосаларини баён этади. Масалан, судьянинг юридик жавобгарлиги масаласида муаллиф Глисоннинг судьяга нисбатан шаффоф ва адолатли процедуралар зарурлиги ҳақидаги қарашини қўллаб-қувватлаб, маҳаллий амалиётда бу йўналишдаги ҳуқуқий механизмларни кучайтириш зарурлигини асослайди. Сандра Дай Окнернинг суд мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги мувозанат зарурлиги тўғрисидаги фикрларини қувватлаган ҳолда, диссертант судьялар масъулияти ва уларга нисбатан интизомий таъсир чоралари тартибини янада аниқлаштириш таклифини илгари суради.

Мазкур бобда судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти масаласи ҳам ёритилган. Муаллиф судьяларга муносиб маош, ижтимоий кафолатлар, хизмат уй-жойи ва пенсия таъминоти суд мустақиллигининг амалий кафолати эканини таъкидлайди ҳамда бу масалада миллий қонунчиликни халқаро стандартларга яқинлаштиришга қаратилган таклифларни илгари суради.

Муаллиф одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллигининг процессуал кафолатларини судья мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида баҳолаб, уларнинг вазифаси фақат суд қарорининг қонуний қабул қилинишини таъминлаш эмас, балки адолатни таъминлашдан ҳам иборатлигини таъкидлайди. Профессор В.Е.Левченконинг судьялар маслаҳатининг сир сақланиши ва овоз бериш тартибининг қонуний тарзда

белгиланиши суд мустақиллигининг асосий элементларидир деган фикрларига қўшилган ҳолда судьялар мустақиллигининг процессуал кафолатлари – одил судловни амалга оширишда судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш учун ўрнатилган ҳукукий нормалар ва механизмлар мажмуидир деган фикрни илгари суради.

Тадқиқотчи суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг аниқ қонуний асослари мавжудлиги, юқори суд инстанциялари томонидан қарорларни асоссиз бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг тақиқланиши, процессуал қонун нормаларида олдиндан белгиланган тартибларнинг мавжудлиги каби кафолатлар судьянинг фақат қонун ва ички ишончи асосида қарор чиқаришига замин яратишини асослаб беради.

Шу тариқа, ушбу бобда фақат назарий таҳлил эмас, балки илмий мунозара ва қиёсий таҳлиллар орқали судьялар мустақиллигини таъминлашнинг ҳукукий, ташкилий ва моддий асосларини такомиллаштириш, судьяларнинг юридик жавобгарлиги ва ижтимоий ҳимояси тизимини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини рақамлаштириш ҳамда касбий этика талабларини юксалтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Судьялар мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи институтлар ва механизмларнинг ҳукукий тавсифи” деб номланган **учинчи бобида** судьялар мустақиллигини таъминлашнинг институционал ва ташкилий-ҳукукий асослари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрича, судьялар мустақиллиги фақат конституциявий принцип сифатида эмас, балки амалий кафолатлар тизими орқали ҳаётга татбиқ этилгандагина ҳақиқий мазмун касб этади. Шу боис бобда судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти, коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмлари, судьялар одоби қоидалари, жамоатчилик иштирокини таъминлаш ва суд тизимини рақамлаштириш каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган.

Ҳуқуқшунос олимлар И.П.Очередко, Н.Д.Ковбенко, О.В.Романовская, М.И.Клеандровнинг фикрлари таҳлил қилинган ҳолда судьялар ҳамжамияти органларининг судлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўрни ўрганилди. Муаллиф судьялар ҳамжамияти органларини ижтимоий бирлашмалардан фарқли ўлароқ, мажбурий аъзоликка асосланган институционал тузилма сифатида тавсифлайди. Тадқиқотчининг фикрича, **судьялар ҳамжамияти органи** – судьялар томонидан ўз касбий фаолиятининг ҳукукий, ахлоқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини таъминлаш, жамоавий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш ва судьялар манфаатларини қонуний равишда ифода этиш мақсадида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар асосида ташкил этилган, институционал-касбий тузилмадир. Шунингдек, Судьялар олий кенгашининг конституциявий мақоми таҳлил қилиниб, унинг вазифалари – судьялар корпусини шакллантириш, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш, интизомий ишларни кўриб чиқиш, коррупцияга қарши курашиш каби йўналишларга ажратилди. Муаллифнинг фикрича,

Судьялар олий кенгашини шакллантириш жараёнини демократик тарзда, яширин овоз бериш йўли билан амалга ошириш зарур.

Диссертант мавжуд ташкилий-ҳуқуқий базанинг самарадорлигига қарамай, суд тизимида коррупциявий омиллар мавжудлигини таъкидлаб, уларни қуйидагиларга ажратади:

судьяларга турли ҳокимият органлари томонидан босим ўтказилиши;

суд қарорларига иқтисодий манфаатлар таъсири;

судьяларни тайинлаш ва қайта тайинлаш жараёнларида шаффофликнинг паст даражадалиги.

Муаллифнинг фикрича, суд тизимидаги коррупция – бу фақат суд ходимлари фаолияти билан чегараланиб қолмайдиган, балки бутун суд тизимидаги муносабатлар ва қарор қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Диссертант 2016–2025 йилларда судьялар томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар статистикасини таҳлил қилади ва уларни олдини олиш учун тизимли чоралар зарур деган хулосага келади. Бунда судьяларни танлаш ва тайинлашда аниқ ва шаффоф мезонларни белгилаш, Судьялар олий кенгаши қарорларини шикоят қилиш тартибини жорий қилиш, судьяларнинг мол-мулки ва даромадлари декларациясини очиқ эълон қилиш механизмларини киритиш каби таклифлар илгари сурилади.

Муаллиф томонидан судьялар одоби қоидаларига риоя этишнинг одил судлов сифатини таъминлашдаги аҳамияти ҳуқуқшунос олимлар фикрлари асосида таҳлил қилинган. Диссертант томонидан судьялар этикаси, суд этикети тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Муаллиф судьялар учун касбий этика қоидаларини кучайтириш ва уларни мунтазам малака ошириш курсларида ўқитиб бориш зарур деган хулосага келади. Шунингдек, суд таълими тизимини замонавий талабларга уйғун ҳолда ривожлантириш, ёш кадрларни тайёрлаш ва уларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш масаласи алоҳида асослантирилган.

Диссертант томонидан судлар фаолиятида жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ёритилиб, “очиқлик”, “ошкоралик” ва “шаффофлик” тушунчалари таҳлил қилиниб, уларнинг фарқли жихатлари очиб берилган. Жумладан, тадқиқотчи “суд органлари фаолиятининг очиқлиги” ва суд органлари фаолиятининг шаффофлиги” тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни фарқлаб, “шаффофлик” суд қарорлари ва бошқа суд ҳужжатларининг очиқ тарзда эълон қилиниши, шунингдек, суд органлари фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларнинг очиқ бўлишини назарда тутди, “очиқлик” эса суд жараёни иштирокчиси бўлмаган шахсларнинг суд мажлисида иштирок этиш имкониятини англатади деган хулосага келиб, “суд органлари фаолиятининг шаффофлиги” “суд органлари фаолиятининг очиқлиги” тушунчасининг таркибий қисми эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, “Суд органлари фаолиятининг очиқлиги” номли янги бобни “Судлар тўғрисида”ги Қонунга киритиш заруратини асослантиради. Муаллиф судлар фаолиятида жамоатчилик иштирокини мазмунан икки турга – ички ва ташқи иштирокка ажратган ҳолда тадқиқ этиб,

“жамоатчилик назоратини кучайтириш одил судловга ишончни оширади”- деган хулосага келади.

Мазкур бобда судьялар мустақиллигини таъминлашдаги институционал кафолатлар ва механизмлар комплекс таҳлил қилинган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, судьялар корпусини шакллантиришда шаффофликни кучайтириш, судьялар ўртасида коррупцияни барвақт аниқлаш механизмларини жорий қилиш, жамоатчилик иштирокини институционаллаштириш ва рақамли технологияларни қонунчиликка татбиқ этиш каби таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Судьялар мустақиллигини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланиб, унда судьялар мустақиллигини таъминлашда халқаро стандартларнинг ўрни, халқаро рейтинг ва индекслар орқали ҳуқуқ устуворлигини баҳолаш амалиёти ҳамда илғор хорижий тажриба асосида институционал, индивидуал, молиявий ва процессуал кафолатларни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Муаллифнинг фикрича, суд ҳокимияти мустақиллиги фақат миллий қонунчилик билан эмас, балки халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳам таъминланиши лозим.

Диссертант фикрича, “судьялар мустақиллигига оид халқаро стандартлар” – деганда судьяларнинг дахлсизлиги ва адолатли судловни таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормалар, тамойиллар ва талаблар мажмуаси тушунилади.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимлар Е.В.Бурдина, М.И.Клеандров, Ю.А.Дмитриев, А.Ф.Изварина, Х.Т.Одилқориев, Г.Ф.Шершеневич, Б.А.Мўминов, Д.У.Арипов, О.Р.Сулаймонов ва бошқаларнинг қарашларини таҳлил қилиб, судьялар мустақиллиги кафолатларини ўзида ифода этган халқаро ҳужжатларни уларни ҳуқуқий куч ва мажбурият даражасига қараб қуйидагича таснифлайди:

Халқаро универсал актлар: Бирлашган Миллатлар Ташиқоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 1966 йилда қабул қилинган, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт, 1985 йилда маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари”, 1996 йилда қабул қилинган Давлат амалдорларининг халқаро ахлоқ кодекси ва б.;

Халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва хулосалари: Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси учун Европа судьялари маслаҳат Кенгашининг (ЕСМК) “Судьяларнинг касбий хулқ-атворини тартибга солувчи принциплар ва қоидалар, хусусан, ахлоқий меъёрлар, бегаразлик ва холисликка мос келмайдиган хатти-ҳаракатлар тўғрисида” хулосалари (2002), 15-сон (2012) “Судьяларнинг ихтисослашуви тўғрисида”, 7-сон (2005) “Одил судлов ва жамият тўғрисида”, 16-сон (2013) “Судьялар ва адвокатларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида”, 19-сон (2016) “Суд раисларининг роли тўғрисида”, 21-сон (2018) “судьялар ўртасида коррупциянинг олдини олиш тўғрисида” ва бошқалар;

бошқа ҳужжатлар: 2001 йилда қабул қилинган, Гаагадаги Тинчлик саройида 2002 йил 25–26 ноябрь кунларида ўтказилган Олий судлар раисларининг давра суҳбати мажлисида ўзгартиришлар киритилган “Судьяларнинг ҳуқ-атвориға оид” Бангалор принциплари.

Тадқиқотчи суд тизими мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни амал қилиш доираси ва юридик кучига қараб **универсал ҳужжатлар, минтақавий ҳужжатлар ва бошқа универсал ҳужжатларга ажратиб кўрсатади.**

Мазкур бобда, шунингдек, халқаро ташкилотлар Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг R(94)12 тавсияси, GRECO тавсиялари, ССЈЕ ва СЕРЕЈ ҳулосалари ҳуқуқшунос олимлар Д.У.Арипов, Л.В.Туманова, В.И.Руднев, К.С.Рыжков қарашлари билан қиёсий таҳлил қилиниб тизимли ёритилади. Муаллифнинг фикрича, судьянинг алмаштирилмаслиги, ҳуқуқий иммунитет, очиклик ва шаффофлик, интизомий ишларнинг адолатли ва шаффоф амалга оширилиши каби кафолатларни қонун даражасида мустаҳкамлаш зарур деган ҳулосага келинади.

Диссертант халқаро рейтинг ва индексларни таҳлил қилиб, уларни “суд соҳасидаги ахборот асимметриясини камайтиришга хизмат қилади” - деган фикрга келади. П.И.Киселев, М.В.Глигич-Золотарева ва С.Ю.Глазьев каби олимлар қарашлари таҳлил қилинган ҳолда WJP нинг Rule of Law Index (2024) натижаларида Ўзбекистон 0,49 балл билан 142 давлат орасида 83-ўринни эгаллагани қайд этилади. Мазкур кўрсаткич 2023 йилга нисбатан бир позицияга пасайган (2023 йилда 82-ўрин, 0,50 балл). Индексда айниқса “Corruption constraints” ва “Civil justice” индикаторларида пасайиш кузатилгани таъкидланади, бу эса суд адолатлилигига ишонч даражаси ва коррупцияни чеклаш тизимини янада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, “Order and security” ва “Criminal justice” индикаторларида ўсиш қайд этилгани суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ижобий самара берганини намоён этади. Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистоннинг Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги жорий натижалари мавжуд ислоҳотлар даражасини тўлиқ акс эттира олмаяпти.

Rule of Law Index, Corruption Perceptions Index, Index of Economic Freedom каби кўрсаткичлар суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самарадорлигини ташқи баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга улар давлат органларини ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва ислоҳотлар суръатини тезлаштиришга ундайди. Шу билан бирга, муаллиф мазкур рейтинглар айрим ҳолларда сиёсий босим воситаси сифатида ҳам ишлатилаётганини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, индекс ва рейтинглар кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари ҳамиша шаффоф эмас, уларга баъзан субъектив омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун, миллий рейтинг ва индикаторлар тизимини шакллантириш, уни халқаро стандартларга уйғунлаштириш, маълумотларни шаффоф йиғиш ва мунтазам эълон қилиш орқали ҳам ички баҳолаш, ҳам ташқи баҳолашни уйғунлаштириш зарур деган ҳулосага келинади.

Муаллиф шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглари” ягона портали ва миллий индекслар тизимини яратиш

таклифини илгари суради, чунки бу нафақат ташқи баҳолашга таъсир кўрсатиш, балки ички ҳолатни ҳам мунтазам баҳолаш ва ўз вақтида ислохотларни амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, халқаро рейтинглар ва миллий индикаторлар ўртасида уйғунликни таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида ишончли ахборот алмашинувини йўлга қўйиш зарурлиги асослантирилади.

Диссертант мазкур бобда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиб, судьялар мустақиллигига оид ҳукуқий кафолатларни такомиллаштиришнинг **институционал, индивидуал, молиявий ва процессуал** йўналишларини ажратиб кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, судьялар мустақиллигига оид ҳукуқий кафолатлар деганда судьяларнинг қонун устуворлиги ва одил судлов тамойилларига таянган ҳолда, ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи, холис ва мустақил фаолият юритишини таъминловчи ҳукуқий, институционал ва моддий-ҳукуқий механизмлар мажмуаси тушунилади. Ушбу кафолатлар ўз ичига судьяларни танлаш ва тайинлашнинг адолатли ва шаффоф тартибини, ваколат муддати ва дахлсизликнинг кафолатланишини, моддий ва ижтимоий таъминот тизимини, процессуал мустақилликни таъминловчи ҳукуқий нормаларни ҳамда интизомий жавобгарликнинг мустақил ва холис тартибини қамраб олади. Мазкур кафолатлар суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судловнинг сифатини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади.

Судьялар мустақиллигини таъминлаш кафолатлари институционал, индивидуал, молиявий ва процессуал йўналишларда уйғун ҳолда амалга оширилганда самарали натижа беради. Институционал кафолатлар доирасида судлар тузилмаси ва штат бирликларини ижро ҳокимиятидан мустақил равишда Судьялар олий кенгаши ва Олий суд томонидан тасдиқлаш, судьялар ҳамжамияти органларини мустақил шакллантириш зарурлиги асосланади. Индивидуал кафолатлар сифатида судьянинг дахлсизлиги, алмаштирилмаслиги, шахсий хавфсизлиги ва касбий этика қоидалари устидан мустақил назорат ўрнатиш кабилар ажратиб кўрсатилади. Молиявий кафолатлар борасида судларнинг ўз эҳтиёжлари учун ажратилган маблағлардан мустақил фойдаланиш ҳуқуқи, судьяларнинг мақомига муносиб маош ва ижтимоий пакетлар билан таъминланиши зарурлиги таъкидланади. Бунинг амалий намунаси сифатида АҚШда судлар бюджети Конгресс томонидан алоҳида модда сифатида тасдиқланиши ва ижро ҳокимияти аралашувидан холи ҳолда амалга оширилиши мисол қилиб келтирилади. Процессуал кафолатлар доирасида ишларни автоматлаштирилган тақсимот орқали тақсимлаш, инсон омилини камайитириш, суд қарорларининг ўз вақтида ижросини таъминлаш, очиқ суд мажлисларини кенгайтириш ва ахборот технологияларини қўллаш зарурлиги таъкидланади. Шу тариқа, муаллиф кафолатларни барча йўналишларда босқичма-босқич такомиллаштириш судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлайди ва қонун устуворлигига эришиш имкониятини кучайтиради, деган хулосага келади.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди.

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Юридик фанларда судьялар мустақиллиги мазмун-моҳиятини талқин қилишга доир турли доктринал ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар мазкур категорияни турли жиҳатлардан тадқиқ этади. Илмий адабиётлар таҳлили асосида судьялар мустақиллигига оид қарашларни мазмун жиҳатидан шартли равишда қуйидаги илмий мактабларга (йўналишларга) таснифлаш таклиф этилади.

Классик (институционал) доктринал ёндашув. Ушбу мактаб намояндалари судьялар мустақиллигини давлат томонидан яратилган ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизими сифатида талқин қилади. Бунда асосий урғу судьяларни тайинлаш тартиби, ваколат муддатининг дахлсизлиги, моддий таъминот ҳамда суд ҳокимиятининг ижроия ҳокимиятидан ажратилганлик даражаси каби институционал омилларга қаратилади.

Процессуал-функционал доктринал ёндашув. Мазкур йўналиш вакиллари мустақилликни судьянинг муайян ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнидаги процессуал эркинлиги, автономияси ва ташқи аралашувлардан ҳимояланганлиги сифатида баҳолайдилар.

Субъектив-этик доктринал ёндашув. Ушбу мактаб тарафдорлари мустақилликни судьянинг шахсий фазилатлари — ички ишончи, касбий ҳуқуқий онги, маънавий ва ахлоқий барқарорлиги билан узвий боғлиқ ҳолда изоҳлайдилар.

Юқоридаги илмий мактаблар ва доктринал қарашлар судьялар мустақиллигини турли қирралардан ёритган бўлса-да, уларнинг ҳар бири мазкур тушунчани алоҳида ҳолда тўлиқ қамраб олмайди. Шу муносабат билан, тадқиқот доирасида судьялар мустақиллигига нисбатан **интегратив доктринал ёндашув илгари сурилди**. Унга кўра, мазкур тушунча институционал, процессуал ва шахсий омилларни бир бутунликда қамраб олган комплекс ҳуқуқий тамойил сифатида намоён бўлади.

2. Судьялар мустақиллиги ва судьялар дахлсизлиги ўртасидаги назарий нисбатга оид концептуал ёндашув таклиф этилди. Унга кўра, **судьялар мустақиллиги** суд ҳокимиятининг фаолият принципи сифатида қарор қабул қилиш эркинлигини ифодалайди, **судья дахлсизлиги** эса судья шахсининг ҳуқуқий мақоми ва ҳавфсизлигини таъминловчи алоҳида ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлади. Шу асосда судья дахлсизлигини судьялар мустақиллигининг таркибий элементи сифатида эмас, балки уни кафолатловчи нисбатан мустақил ҳуқуқий институт сифатида талқин қилиш илмий жиҳатдан асослаб берилди.

3. Юридик фанларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланган суд ҳокимияти назариясини ривожлантиришга хизмат қилувчи **янги назарий қоидалар комплекси** ишлаб чиқилган. Жумладан, илк бор судьялар

мустақиллиги феномени кўп омилли тизимли ҳодиса сифатида **формализация қилиниб**, унинг институционал кафолатлар (*G*), ички ишонч (*I*) ва ташқи босим (*P*) ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи концептуал модели асослаб берилган.

$$JI = G + I - P$$

Бу ерда:

JI (Judicial Independence) — судьялар мустақиллиги;

G (Guarantees) – судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий ва институционал кафолатлари (ваколат муддати, дахлсизлик, судьялар ўзини ўзи бошқариш органлари, моддий ва ижтимоий таъминот ва бошқалар);

I (Inner conviction) – судьянинг ички ишончи, профессионал ва маънавий-ҳуқуқий автономияси;

P (Pressure) – судья фаолиятига ташқи ва ички таъсир, босим ёки аралашув (сиёсий, маъмурий, иқтисодий ёки бошқа турдаги таъсирлар).

Мазкур концептуал моделдан келиб чиққан ҳолда, судьялар мустақиллиги куйидаги қонуният асосида ифодаланади. Судьялар фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий ва институционал кафолатлар ҳамда судьянинг ички профессионал автономияси қанчалик мустаҳкам бўлса, шунингдек ташқи босим ва ноқонуний аралашув омиллари қанчалик кам бўлса, судьялар мустақиллиги даражаси шунчалик юқори бўлади.

4. Илмий ишда суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлашга оид асосий ҳуқуқий категориялар концептуал ва методологик жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларга муаллифлик таърифлари шакллантирилди.

Судья – қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган (сайланадиган), одил судловни амалга ошириш ваколатига ҳамда мустақиллик кафолатларига эга бўлган мансабдор шахсдир.

Судьянинг мустақиллиги суд ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнида ўз иродасини эркин ифода этишида, бошқа шахс манфаатларига бўйсунмаслигида, шунингдек, суд ишини кўриб чиқиш натижаларидан тўғридан-тўғри ёки билвосита манфаатдор бўлмаслигида намоён бўлади.

Судьянинг мустақиллиги – судьянинг ўз ваколатларини амалга оширишда Конституция ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда, ҳар қандай ташқи таъсир, босим ёки аралашувсиз, ўз ички ишончига мувофиқ равишда ҳолис ва қонуний қарор қабул қилишини кафолатловчи ҳуқуқий тамойил.

Судьялар мустақиллигини таъминлаш жараёни мамлакатимизда мустақиллик йилларида изчил ривожланди. Хусусан, биринчи босқичда (1991–2001 йиллар) судья мустақиллигининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва конституциявий кафолатлар белгиланди. Иккинчи босқичда (2001–2016 йиллар) эса мустақилликни мустаҳкамлаш, дахлсизлик ҳамда моддий кафолатларни кучайтириш, шунингдек халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Учинчи босқичда (2017–2021 йиллар) Институционал ислохотлар босқичи эса судьялар мустақиллиги нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки технологик ва

малакавий жихатдан ҳам мустаҳкамланди. Тўртинчи босқичда (2021-йил – ҳозирги вақтгача) судьяларнинг нафақат ҳуқуқий ва институционал мустақиллигини таъминлаш, балки рақамлаштириш, сунъий интеллект ва молиявий эркинлик орқали улар фаолиятига ҳар қандай ташқи аралашувни чеклайдиган чинакам мустақил тизимни шакллантиришга асосий урғу берилди.

5. Одил судлов фақат судьялар мустақил бўлгандагина амалга оширилиши мумкин, зеро қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим шарти судьянинг ҳар қандай таъсир ва босимлардан холи ҳолда қарор қабул қилишидир. Шу боис, судьялар мустақиллигини таъминловчи кафолатлар назарий жихатдан ҳокимиятлар бўлиниши принципига таянади ва унинг ҳуқуқий асоси ҳар бир давлатнинг конституциясида ифодаланади. Судьялар мустақиллиги кафолатлари судьяларни танлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, дахлсизлигини таъминлаш, моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек жавобгарликка тортиш билан боғлиқ бўлган барча босқичларда таъминлангандагина тўлиқ намоён бўлади. Шу маънода, Конституция ва махсус қонунларда судьялар мустақиллигини амалда таъминловчи асосий кафолатларни белгилаш зарур ҳисобланади.

6. Суд ҳокимияти – қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида Конституция ва қонунлар асосида мустақил равишда фаолият юритадиган давлат ҳокимияти тармоғи бўлиб, жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар юзасидан мажбурий юридик кучга эга қарорлар қабул қилувчи, махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлган судьялар корпусидан иборат суд органлари тизими тушунилади.

Судьялар мустақиллигини таъминлашда суд ҳокимиятининг сиёсий ва молиявий мустақиллигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Суд ҳокимиятининг сиёсий мустақиллиги – бу суд органларининг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан, шунингдек, сиёсий партиялар, манфаатдор гуруҳлар ва жамоатчилик таъсиридан холи бўлган ҳолда фаолият юритишини англатади. Сиёсий мустақиллик судьялар томонидан қонунга асосланган ҳолда холис ва адолатли қарорлар қабул қилинишига замин яратади. Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш жараёнлари сиёсий мустақилликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнлар ҳар қандай сиёсий аралашувдан холи бўлиши, судьяларни танлашда уларнинг касбий малакаси, юридик билимлари ва одиллик тамойилларига содиқлиги асосий мезон бўлиши керак.

Суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги – суд органларининг конституциявий функцияси бўлган одил судловни тўлақонли ва мустақил амалга оширишини таъминловчи институционал кафолат бўлиб, у судлар фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан алоҳида сатрда етарли маблағ ажратилиши, ушбу маблағлардан бошқа манфаатдор давлат органлари аралашувисиз мустақил равишда фойдаланиш имконияти, судларнинг моддий-техник базасини шакллантириш ва ривожлантириш, судьялар ва суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий

жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда бюджет маблағларини қисқартириш фақат белгиланган суд органларининг розилиги асосида амалга оширилиши билан ифодаланади.

7. Судьянинг ҳуқуқий мақомини шакллантиришда қонунчиликдаги анъанавий элементлар (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) билан бирга қўшимча элементлар (кафолатлар, масъулият, принциплар) ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда, кафолатлар – судьянинг ислоҳотлардан муҳофаза қилиниши (*амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий мақомига, ваколат муддатига, иш жойи барқарорлигига ёки мустақил қарор қабул қилиш эркинлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги*), молиявий мустақилликка эга бўлиши ва ноқонуний аралашилардан ҳимояланиши учун муҳим роль ўйнайди.

Судьялик мақоми – судьянинг давлат ҳокимияти тизимидаги ҳуқуқий ўрнини, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жамият ва давлат олдидаги жавобгарлигини белгилайдиган ҳуқуқий категория. Бу мақом судьянинг мустақиллигини, ҳолислигини ва одил судловни таъминлашдаги масъулиятини мустаҳкамлайди, шунингдек, унинг фаолиятини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади.

Судья мақомининг ҳуқуқий асоси қуйидаги уч муҳим принципларга таянган: **мустақиллик, алмаштирилмаслик** ва **дахлсизлик**. Айнан шу принциплар одил судловни самарали таъминлашга таъсир кўрсатади.

8. Судьялар корпусини шакллантириш – суд ҳокимиятини муносиб кадрлар билан тўлдиришга қаратилган, қонунда белгиланган танлаш, тайёрлаш, тайинлаш (сайлаш), бошқа лавозимга ўтказиш, судьялик муддатини узайтириш каби жараёнлар мажмуидир. Ушбу жараён судьяликка номзодларнинг касбий малакаси, шахсий сифатлари ва ҳолислик даражасини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Судьялар корпуси сайланиш ва тайинланиш асосида шакллантирилади ва уларнинг тартиб-таомиллари ва усуллари ўзаро фарқ қилади. Судьяларни сайлашнинг икки тури мавжуд бўлиб, судьялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади. Тайинлашнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар Президент, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилади.

9. Судьянинг дахлсизлиги деганда судьянинг ўз касбий фаолиятини мустақил ва эркин амалга оширишини таъминловчи, унинг шахсий ҳавфсизлиги, хизмат шароити, касбий нуфузи ва ҳуқуқий мақомини муҳофаза қилувчи комплекс ҳуқуқий кафолатлар тизими бўлиб, судьяларни қарор қабул қилиш жараёнида ҳар қандай маъмурий, жиноий ёки фуқаролик жавобгарлигидан ҳимоя қилади.

Судьянинг юридик жавобгарлиги – судьяни норматив жиҳатдан тақиқланган қилмиши учун жавобгарликка тортишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва механизмлар тўпламини ифодаловчи ҳуқуқий институтдир. Мазкур институт содир этилган ҳуқуқбузарликнинг табиати ва оғирлигига

қараб судьянинг интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиной жавобгарлигини ўз ичига олади.

Судьянинг интизомий жавобгарлиги – бу судья ўзининг касбий мажбуриятлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганида ёки судьялик шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган ножўя хатти-ҳаракат содир этганда юзага келадиган жавобгарлик.

Судьянинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги деганда, одил судловни амалга ошириш жараёнидаги қонунга ҳилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши ва фақат судьянинг айби суд ҳукми билан исботланган тақдирдагина, давлатнинг ушбу зарарни регресс тартибида судьянинг ўзидан ундириб олиши тушунилади.

10. Судьялар мустақиллигининг процессуал кафолатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Судьяни бевосита одил судловни амалга оширишдаги мустақиллигининг процессуал кафолатларига:

суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг қонун билан аниқ белгиланган асослари ва тартибининг мавжудлиги;

далилларга ички ишонч асосида баҳо бериш (далилларни эркин баҳолаш принципи);

судьяларнинг маслаҳатлашув хонаси махфийлиги (маслаҳат сирининг сақланиши);

ҳал қилув қарори қабул қилинишининг сир тутилиши;

ҳайъат тартибида кўриладиган ишлар бўйича судьянинг алоҳида фикр билдириш ҳуқуқи;

Мазкур кафолатлар судьянинг ишни кўриш жараёнида фақат қонун ва ички ишончи асосида қарор қабул қилишини таъминлайди ҳамда ташқи таъсирларнинг олдини олади.

Судья фаолиятини ташкил қилишдаги процессуал кафолатларга:

судьянинг ваколатлари муддати ҳамда судьянинг лавозимидан ўзгартирилмаслиги (судьяларнинг ўзгармаслиги институти);

суд ишини бир суддан бошқасига ўтказишнинг қонун билан белгиланган алоҳида тартибининг мавжудлиги;

одил судловга аралашганлик, унга тўсқинлик қилганлик ҳамда судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарликнинг мавжудлиги;

судьянинг қабул қилган қарори учун жавобгар бўлмаслиги (агар у қасддан қонун бузилишига йўл қўймаган бўлса).

Мазкур кафолатлар судьянинг институционал барқарорлигини таъминлайди ҳамда суд ҳокимиятига ташқи босим ёки ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга хизмат қилади.

11. Судьянинг моддий ва ижтимоий таъминоти деганда судья мустақиллигини таъминлашга қаратилган, унинг ташқи таъсирларсиз судьялик вазифаларини беғараз ва холис амалга оширишини кафолатлаш мақсадида давлат томонидан белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий кафолатлар, моддий рағбатлантириш ва моддий-ижтимоий шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида судьялар маошини **индексация қилиш механизмини** жорий этиш талаб этилади. Судьяларнинг маоши йил якунида автоматик равишда мамлакатдаги инфляция ва иқтисодий ўсиш даражасига мос равишда индексация қилиниши қонун билан кафолатланиши лозим.

12. Судлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати деганда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг суд фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнидир. Бу назорат жамиятнинг суд ишларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва адолатлилигини таъминлаш, шунингдек, судлар фаолиятида қонунчиликка риоя қилинишини кузатишни ўз ичига олади.

Судлар фаолиятида жамоатчилик иштирокини **мазмунан икки турга — ички ва ташқи иштирокка ажратиш мумкин. Ички иштирок** бевосита суд жараёнида иштирок этишга тааллуқли бўлиб, бунга халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ёки ҳимоячиси сифатида иштирок этиши кабилар киради. Бунда жамоатчилик суд фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда суд қарорларининг адолатли қабул қилинишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилади.

Ташқи иштирок эса судлар фаолиятига бевосита аралашмаган ҳолда, жамоатчилик фикри ва ижтимоий назорат воситаларининг қўлланилиши орқали амалга оширилади. Бунда ижтимоий сўровлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали суд фаолияти юзасидан муҳокамалар ташкил этиш, хусусан, кенг жамоатчилик эътиборини жалб этган (резонанс берадиган) суд ишлари юзасидан очиқ муҳокамаларни ташкил этиш кабилар назарда тутилади.

13. Судлар фаолиятини рақамлаштириш суд жараёнларининг самарадорлиги ва очиқлигини оширади ҳамда фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиради. Электрон ҳужжат айланиши, ҳужжатларни онлайн тақдим этиш, ишлар ҳолатини электрон кузатиш ва давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция суд жараёнларини автоматлаштиришга хизмат қилади. Бу эса ишларни тақсимлаш, суд муҳокамасини ташкил этиш, қарорларни эълон қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш жараёнларида инсон омилини камайтириб, судьялар мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сунъий интеллект технологияларини суд фаолиятига жорий этиш суд ишларини юритиш жараёнини оптималлаштириш, катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ва айрим стандарт процессуал жараёнларни автоматлаштириш имконини беради. Натижада суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги ошади, инсон омилига боғлиқ хатоликлар камаяди ҳамда суд фаолиятининг шаффофлиги таъминланади. Шу сабабли суд тизимида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш одил судлов сифатини оширишга хизмат қилувчи муҳим замонавий йўналиш сифатида намоён бўлади.

14. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар суд тизимининг институционал ва функционал мустақиллигини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормалар, тамойиллар ва талаблар мажмуаси тушунилади. Ушбу стандартлар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилиш ва унга аралашмасликка оид давлатларнинг халқаро мажбуриятларини белгилайди, шунингдек миллий қонунчиликда суд ҳокимиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва моддий кафолатларини мустаҳкамлашни тақозо этади. Улар суд органлари, давлат ҳокимиятининг бошқа бўғинлари ва манфаатдор шахсларнинг судлар фаолиятига таъсир кўрсатишини чекловчи механизмларни, судьялар мустақиллигини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг институционал воситаларини назарда тутди.

Суд ҳокимияти мустақиллиги кафолатларини ўзида ифода этган халқаро ҳужжатларнинг таҳлили уларнинг юридик кучи ва мажбурият даражасига қараб қуйидаги тоифаларга ажратиш имкониятини кўрсатди:

халқаро универсал актлар;

минтақавий ҳужжатлар;

бошқа ҳужжатлар

15. Судьялар мустақиллигининг реал даражасини баҳолашда халқаро рейтинглар ва индекслар муҳим аҳамият касб этади. Бу индекслар мамлакатда судларнинг ҳақиқий мустақиллиги, суд қарорларининг адолатлилиги, фуқароларнинг суд тизимига ишончи ва коррупция даражаси ҳақида тизимли маълумот беради. Улардаги баҳолар халқаро ташкилотлар, инвесторлар ва дипломатик доиралар учун мамлакатнинг ҳуқуқий муҳитининг шаффофлиги ва барқарорлигига оид муҳим сигнал сифатида хизмат қилади.

Судьялар мустақиллиги юқори баҳоланиши инвестицион муҳит барқарорлигидан дарак бериб, бунда бизнес субъектлари ўз ҳуқуқлари суд орқали ҳолис ҳимоя қилинишига ишонади. Шу боис, суд мустақиллигининг рейтингларда акс этиши иқтисодий ривожланишга ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Халқаро рейтинг ва индекслар судьялар мустақиллигининг ташқи мониторинги ва баҳолаш воситаси бўлиб, улар давлатларнинг ҳуқуқий ислохотларга бўлган сиёсий иродасини кучайтиради, жамиятнинг суд тизимига ишончини оширади ва суд мустақиллигини мустаҳкамлашга рағбатлантирувчи муҳим омил сифатида намоён бўлади.

16. Судьялар мустақиллигига оид ҳуқуқий кафолатлар деганда судьяларнинг қонун устуворлиги ва одил судлов тамойилларига таянган ҳолда, ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи, холис ва мустақил фаолият юритишини таъминловчи ҳуқуқий, институционал ва моддий-ҳуқуқий механизмлар мажмуаси тушунилади. Ушбу кафолатлар ўз ичига судьяларни танлаш ва тайинлашнинг адолатли ва шаффоф тартибини, ваколат муддати ва дахлсизликнинг кафолатланишини, моддий ва ижтимоий таъминот тизимини, процессуал мустақилликни таъминловчи ҳуқуқий нормаларни ҳамда юридик жавобгарликнинг мустақил ва холис тартибини қамраб олади. Мазкур кафолатлар суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судловнинг сифатини юксалтириш ва фуқароларнинг суд

тизимига бўлган ишончини таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади.

Ушбу кафолатлар шартли равишда институционал, индивидуал, молиявий ва процессуал турларга бўлиниб, судьянинг шахсий дахлсизлиги, суд ҳокимиятининг мустақил институционал мақоми, моддий таъминоти ҳамда одил судловни амалга оширишдаги тартиб қоидаларга таянган ҳолда шаклланади.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

17. Ўзбекистонда судья мақомига оид нормалар турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгилангани амалиётда ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Нормаларнинг такрорланиши ёки зидлиги ҳуқуқий аниқликни бузиб, судья фаолиятида ҳуқуқий коллизиялар юзага келтиради. Шу боис судья мақомига оид барча нормаларни ягона ҳуқуқий ҳужжат доирасида жамлаб “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади (қонун лойиҳаси илова қилинади).

18. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, уларнинг суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга оид ваколатларини белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Лойиҳада судьялар ҳамжамияти органлари, уларнинг мақоми, фаолият йўналишлари, вазифа ва ваколатларига оид нормаларни белгилаш таклиф этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунга:

а) Қуйидаги мазмундаги 9¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“9¹-модда Судьянинг алмаштирилмаслиги.

Судья алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

Судья ўз вазифаларини доимий асосда амалга оширади ва ваколат муддати мобайнида унинг розилигисиз бошқа судьялик лавозимига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Судьяларнинг лавозимга сайланиши ёки тайинланиши, уларни муайян ишни кўришдан четлатиш, бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек судьялик ваколатларини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тугатиш фақат қонунда белгиланган тартиб ва асосларга мувофиқ амалга оширилади”;

б) **62-модда еттинчи хатбошиси** қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади:

“ўз малакасини судьялик ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган даражада сақлаб туриши, бунда судьяларнинг малакасини ошириш заруратга қараб, беш йил муддатга тайинланган судьялар – ҳар икки йилда, икки ҳафтадан кам бўлмаган, Олий суд судьялари, суд раислари ва раис ўринбосарлари, шунингдек муддатсиз даврга тайинланган судьялар ҳар уч йилда бир ҳафтадан кам бўлмаган, фаолият самарадорлиги рейтингининг паст кўрсаткичларига эга судьялар навбатдан ташқари икки ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқитилади”;

в) **64-модда тўққизинчи қисмини** қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф этилади:

“Судья ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган тақдирда, ушлаб турилган пайтдан эътиборан **зудлик билан** бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда, хабар қилиниши шарт. Хабарнома ҳар қандай мавжуд алоқа воситалари орқали юборилиши ва унинг юборилган вақти қайд этилиши лозим.

Судьялар олий кенгаши хабарнома келиб тушгандан сўнг, белгиланган тартибда судьяни ушлаб туришнинг қонунийлиги юзасидан хулоса беради, ушлаб туришга эътироз билдириш ёки судьянинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уни ҳимоя қилиш мақсадида бошқа қонуний чораларни кўради”;

г) **64-модда ўнинчи қисмини** қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Судьянинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш **фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилади”;**

64-модда қуйидаги мазмундаги ўн биричи банд билан тўлдириш таклиф этилади.

“Одил судловни амалга ошириш жараёнида ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида ишда иштирок этувчи тарафларга етказилган зарар учун судья мулкӣ жавобгарликка тортилмайди. Бундай зарар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади”;

д) қуйидаги мазмундаги 68¹-моддани киритиш таклиф этилади:

“68¹-модда. Суд раиси ва суд раиси ўринбосари лавозимига сайланадиган ёки тайинладиган шахсларга қўйилладиган талаблар

Суд раиси ва суд раиси ўринбосари лавозимига сайланадиган ёки тайинладиган шахс ушбу Қонуннинг 67-моддасида назарда тутилган умумий талабларга жавоб бериши, юқори касбий ва ахлоқий фазилатларга, раҳбарлик қобилиятига ҳамда суд тизимида етарли тажрибага эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва унинг ўринбосари лавозимига юридик ихтисослик бўйича камида ўн беш йиллик иш стажига, шу жумладан, судья сифатида камида ўн йиллик иш стажига ҳамда суд органларида раҳбарлик ёки тенглаштирилган лавозимларда амалий тажрибага эга бўлган шахс номзод сифатида кўрсатилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, мазкур ҳудудларнинг маъмурий ҳамда ҳарбий судлари раиси ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига юридик ихтисослик бўйича камида ўн йиллик иш

стажига, шу жумладан, судья сифатида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар сайланиши ёки тайинланиши мумкин.

Туманлараро, туман, шаҳар ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар раиси ва уларнинг ўринбосари лавозимига юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига, шу жумладан, судья сифатида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар сайланиши ёки тайинланиши мумкин.

Суд раиси ва ўринбосарлик лавозимларига номзод этиб кўрсатилаётган шахс одил судловни ташкил этиш, судлар фаолиятини мувофиқлаштириш, судьялар ўртасида процессуал маданиятни юксалтириш, судьялар мустақиллигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик билан самарали мулоқот олиб бориш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим”;

е) 67-модда биринчи қисмини қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади:

“Ўттиз ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин”;

ё) 69-модда 4-қисмини чиқариб ташлаш таклиф этилади;

“Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёки келишиб олинадиган лавозимларда фаолият юритаётган ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган шахслар, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқитилмаган ҳолда илк бор судьялик лавозимларига тайинланиши мумкин”;

ж) 70-модда иккинчи ва учинчи қисмларини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

“Вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади”;

з) 71-модда қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Судьялик ёшини узайтириш судьянинг соғлиги, касбий малакаси, интизомий жавобгарлик ҳолати, иш натижалари ва жамоатчилик ишончи каби мезонлар асосида белгиланади. Ушбу масала бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланган тартибда, ҳар бир судьянинг шахсий хулосаси ва хизмат фаолияти таҳлили асосида қабул қилинади”;

и) 79-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилади:

“Судьялар малака ҳайъати қарори судья ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги асосий хулоса ҳисобланади ва мазкур қарор тегишли тайинлов ёки сайлов органига киритилади.

Судья ваколатларини расман тугатиш уни лавозимга тайинлаган ёки сайлаган орган қарори билан амалга оширилади”;

й) 81-модда биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Судьянинг иш ҳақи қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган ойлик лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати, **юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки доктори (DSc) илмий даражаси, доцент ёки профессор илмий унвони**, фахрий унвони учун тўланадиган ҳар ойлик устама ҳақлардан иборат бўлади”.

к) қуйидаги мазмундаги нормаларни киритиш таклиф этилади.

“87¹-модда. Судьянинг истеъфога чиқиши

Судьянинг истеъфога чиқиши — бенуқсон обрў-эътиборга ҳамда камида ўн беш йиллик судьялик стажига эга бўлган судьянинг ваколатлари ҳурмат билан тугатилиши ҳисобланади.

Истеъфога чиққан судьянинг мақоми, судьялар ҳамжамиятига мансублиги, шахсий дахлсизлик кафолатлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа моддий ва ижтимоий кафолатлари сақланиб қолади.

87²-модда. Истеъфога чиқариш тартиби

Судьяни истеъфога чиқариш унинг Судьялар олий кенгашига тақдим этган ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

Мазкур аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

87³-модда. Истеъфога чиқиш ҳуқуқи ва моддий кафолатлар

Ҳар қандай судья ёки судьялик лавозимига тайинланган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган ёшга етгандан кейин истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга.

Истеъфога чиққан судьяга давлат томонидан пенсияга чиқиш вақтидаги маошига тенг миқдорда ойлик тўлов амалга оширилиши кафолатланади”.

л) **89-модда биринчи қисмини** қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади:

“Ўзбекистон Республикаси судларининг тузилмаси ва штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланади”;

20. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида” ги Қонунда:

а) **5-модда иккинчи қисмини** қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Кенгаш раиси Кенгаш аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сайланади”;

б) **7-модда** қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“Судьялар ва судлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг суд ҳокимияти мустақиллиги принципи талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш”;

в) Судьялар олий кенгашининг Апелляция комиссиясига шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби деб номланган 3¹-бобни киритиш таклиф этилади. комиссия кенгаш қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади.

“3¹-боб. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Апелляция комиссиясига шикоятлар бериш ва уларни кўриб чиқиш

Апелляция комиссияси.

18¹-модда Апелляция комиссияси раис ва олти аъзодан иборат бўлиб, улар Конституциявий ва Олий суд судьялари, Судьялар ассоциацияси вакили, Адвокатлар ассоциацияси вакили, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий доиралар вакили, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакили ҳамда жамоатчилик вакилидан шакллантирилади.

Апелляция комиссияси раиси комиссия таркибидаги вакиллар томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Апелляция комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Низомда белгиланади.

18² -модда. Апелляция комиссиясига бериладиган шикоятлар

Апелляция комиссиясига қуйидаги масалалар бўйича шикоятлар берилиши мумкин:

Кенгашнинг қуйидаги қарорларига нисбатан:

номзоднинг тақдим этилган судьялик лавозимида номувофиқлиги тўғрисида;

номзодга такрорий танловда иштирок этиш ҳуқуқини сақлаб қолиш тўғрисида;

